

Иш рақами
Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья – А.Хўжамқулов

Кассация инстанциясида
маърузачи судья-Д.Мадаминов

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил июль ойининг 2 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг очиқ суд мажлисида,
раислик қилувчи судья: Д.Мадаминов,

ҳайъат судьялари: Б.Бабамирзаева ва А.Инамовдан иборат таркибда,
судья катта ёрдамчиси Ҳ.Жўраевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори Р.Одилов, судланганлар Э.Қ, У.У ва уларнинг ҳимоячиси – адвокат Б.Набиевнинг иштирокида, З.М ва бошқаларга оид жиноят ишини судланганлар Э.Қ ва У.Уга оид қисмини уларнинг кассация шикоятлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2024 йил 26 августдаги ҳукмига кўра:

Э.Қ, 19** йил ** ноябрда Норин туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2013 йил 16 январдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси

2-қисми “а” банди билан юритилган жиноят иши 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актига асосан тугатилган, **** тумани ободонлаштириш бошқармаси ҳисобчиси, Давлатобод тумани ***-кичик туман, **-уй, **-ҳонадонда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муайян ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари миқдорида 49.500.000 сўм жарима, 209-моддаси 1-қисми билан 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муайян ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида 33.000.000 сўм жарима, 59,61-моддалари тартибида 1 йил 1 ой муайян ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 155 баравари миқдорида 51.150.000 сўм жарима жазосига;

У.У, 19** йил
** январда Учқўрғон туманида туғилган, ўзбек,
Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар
фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича



Тошкент шаҳар Бектемир тумани судининг 2022 йил 10 январдаги ажримига кўра ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши 66¹-моддасига асосан тугатилган, *** тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган, Учқўрғон тумани, “****” МФЙ, *** кўчаси, ** - уйда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,в,г” бандлари билан 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муайян ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 57²-моддаси тартибида, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида 33.000.000 сўм жарима, 28,209-моддаси 1-қисми билан 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муайян ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 57²-моддаси тартибида, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида 33.000.000 сўм жарима, 59,61-моддалари тартибида 1 йил 1 ой муайян ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 101 баравари миқдорида 33.330.000 сўм жарима жазосига судланган.

Мазкур ҳукм билан З.М, З.К ва У.С ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми бўйича шикоят берилмагани ёки протест билдирилмагани сабабли муҳокама қилинмади.

Суднинг ҳукмига кўра, Э.Қ 2022 йил 14 февралдан 2023 йил 23 августга қадар **** тумани тиббиёт бирлашмасининг бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, бирлашма бош шифокори З.М билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва Меҳнат муносабатлари, Молия вазирлигининг 2023 йил 17 январдаги “Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 3416-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-бандида, ойлик фоизли устамалар тиббиёт муассасасида жамғарма учун очилган шахсий ғазна ҳисоб варақларида мавжуд бўлган маблағлардан, жамғарма маблағлари ҳисобидан, тиббиёт муассасаларининг барча ходимларига касбий ва бошқа байрамлар муносабати билан бериладиган мукофот пуллари ва моддий ёрдам пуллари учун шахсий ғазна ҳисоб варағида мавжуд бўлган маблағларнинг 10 фоиз қисми миқдорида берилиши белгиланган бўлса-да, Низом талабларига зид равишда махсус комиссия йиғилиш баёнлари ва тегишли буйруқларни расмийлаштирмасдан, 2023 йил май, июнь ва август ойларида жами 95 та ҳолатда 81 нафар ходимларга 133.214,6 минг сўм рағбатлантириш ва моддий ёрдам пуллари тайинланиб, 17.317,9 минг сўм мажбурий ушланмалардан ташқари 115.896,7 минг сўм рағбатлантириш ва моддий ёрдам пуллари;

шунингдек, тиббиёт бирлашмасининг 10 нафар ҳисобхона хизмати ходимлари тариф разрядларини юқори қўлланилиши натижасида 71.844,3 минг сўм, 18 нафар ходимларга тарификация рўйхатларида белгиланганга нисбатан 156.082,1 минг сўм, шу каби 6-сонли оила поликлиникасининг 4 нафар ходимларига тарификация рўйхатларида



белгиланганига нисбатан 12.357,8 минг сўм, жами 240.284,2 минг сўм ортиқча тўланишига йўл қўйиб, жуда кўп миқдордаги бюджет маблағларини растрата йўли билан талон-торож қилганликда;

“*** **” МЧЖ раҳбари Ф.Ш билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларини қўпол равишда бузиб, 2023 йил 9 июлда тузилган 1460019-сонли шартномага асосан умумий қиймати 40.000,0 минг сўм бўлган 160 дона стул (стул на металлическом каркасе) етказиб бериши лозим бўлса-да, 60 дона стулларни олиб келмасдан, стуллар етказиб берилгани ҳақида сохта ҳисоб-варақ фактуралар расмийлаштириб, тўловларни амалга ошириб, етказиб берилмаган стуллар учун ҳисобланган жами 15.000,0 минг сўмни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда;

У.У бирлашма бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, “*** ** **” МЧЖ раҳбари З.К билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларини қўпол равишда бузиб, бош ҳисобчи ўринбосари У.С билан олдиндан ўзаро тузилган жиноий режага кўра, тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Д.Анинг хабардорлигисиз, унга бириктирилган электрон калитдан фойланиб, электрон дўкон орқали тиббиёт бланкалари ва журналлар сотиб олиш учун 2023 йил 22 ноябрда қиймати 125.174,5 минг сўмлик ва 30 ноябрда қиймати 5.220,0 минг сўмлик тиббий бланка ва журналлар етказиб берилганлиги ҳақида сохта ҳисоб-варақ фактуралар расмийлаштириб, жами 130.394,5 минг сўм бюджет маблағларини жамият ҳисоб рақамига ўтказишига эришиб, бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айбли деб топилганлар.

Судланганлар У.У ва Э.Қ кассация шикоятларида, қилмишларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаришни сўрашган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Д.Мадаминовнинг маърузасини, химоячи Б.Набиев, судланганлар У.У ва Э.Қнинг шикоятларини қаноатлантириш, прокурор Р.Одиловнинг ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятлардаги важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қўйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятларини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши кўрсатилган.



57-моддасида, суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкинлиги;

57²-моддасида, айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилган.

Биринчи инстанция суди, Э.Қнинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келиб, унинг жиноий қилмишларини ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 1-қисми билан;

У.Унинг жиноий қилмишларини ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,в,г” бандлари, ва 28,209-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Суд, Э.Қга жазо тайинлашда қайд этилган қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, қилмишидан пушаймонлиги, шахсини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, содир этган жиноятини бевосита мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этганини эътиборга олиб, ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида жарима, жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда 167-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида муайян ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда жарима жазоси тайинлаб, тўғри қарорга келган.

Суд, У.Уга жазо тайинлашда қайд этилган қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, қилмишидан



пушаймонлиги, шахсини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, содир этган жиноятини бевосита мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этганини эътиборга олиб, ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 57²-моддаси тартибида, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,в,г” бандлари ва 28,209-моддаси 1-қисми билан жарима, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида муайян ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда жарима жазоси тайинлаб, тўғри қарорга келган.

Судланганлар У.У ва Э.Қ кассация шикоятлари ва суддаги, қилмишларида жиноят таркиби йўқлиги ҳақидаги важлари:

фуқаровий даъвогар М.Ю ва гувоҳ М.Мнинг суддаги, туман тиббиёт бирлашмасининг 10 нафар ҳисобхона хизмати ходимларига таъриф разрядлари юқори қўлланилиши натижасида 2023 йил январь-август ойларида 82.579,6 минг сўм иш ҳақи ортиқча ҳисобланиб, 10.735,3 минг сўм мажбурий ушланмалардан ташқари 71.844,3 минг сўм иш ҳақлари ортиқча тўлангани, тиббиёт бирлашмасининг 18 нафар ходимларига тарификация рўйхатларида белгиланганига нисбатан 183.906,7 минг сўм иш ҳақлари асоссиз ортиқча ҳисобланиб, 23.907,9 минг сўм мажбурий ушланмалардан ташқари 159.998,9 минг сўм ортиқча тўлангани, назорат тадбири бошлангунга қадар бирлашма ҳисобхонаси томонидан 3.916,8 минг сўм маблағ ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган ва 156.082,1 минг сўм ортиқча тўловга йўл қўйилгани, бундан ташқари, махсус комиссия йиғилиш баёнлари, тегишли буйруқлар расмийлаштирилмаган ҳолда 2023 йил давомда 95 та ҳолатда 81 нафар ходимларга 133.214,6 минг сўм рағбатлантириш ва моддий ёрдам пуллари тайинланиб, 17.317,9 минг сўм мажбурий ушланмалардан ташқари 115.896,7 минг сўм маблағ Низом талабларига зид равишда тўлангани, таъминотчи корхона томонидан ҳақиқатда қиймати 15.000,0 минг сўм бўлган 60 дона стуллар етказиб берилмаган бўлса-да, тиббиёт бирлашмаси томонидан ҳисобхона ҳужжатларида олиб келинганлиги кўрсатилиб юқоридаги маблағ таъминотчи корхонага ўтказиб берилгани ҳақидаги;

шу иш бўйича судланган У.Снинг суддаги, ***** тумани тиббиёт бирлашмасининг бош ҳисобчи ўринбосари вазифасида ишлаши, “*** ** ***** **” МЧЖ томонидан ***** тумани тиббиёт бирлашмасига қанча миқдорда тиббиёт бланкалари ва журналлар қабул қилиб олинганлигини аниқ билмаслигини, 2023 йилнинг ноябрь ойида “*** ** ***** **” МЧЖ раҳбари З.К унинг олдида келиб, 170,0 млн. сўм атрофида бирлашмадан ҳақдорлигини айтиб, ушбу пулларни чиқариб беришини сўрагани, бу ҳақда бош ҳисобчи У.Уга айтгани, “Туман тиббиёт бирлашмасидан шартнома бўйича пул маблағларни ўтказишда раҳбарнинг электрон ключдан фойдаланишини раҳбари ва бош ҳисобчи билгани, “*** ** ***** **” МЧЖга 130.394,5 минг сўм ўтказиб бериш бўйича бош ҳисобчи У.Уни хабардор қилгани ҳақидаги;

шунингдек, шу иш бўйича судланганлар З.М ва З.К, гувоҳлар Б.Х, С.А, З.Ш, Б.Д ва Н.Ининг суддаги уларнинг айбларини фош этиб берган кўрсатувлари, ўз



айбига икдорлик тўғрисида ариза, юзлаштириш баённомалари, ўтказилган текшириш хулосаси, маълумотномалар, ҳужжатли тафтиш далолатномаси ва хулосалар ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда текширилган далиллар йиғиндиси билан инкор этилиб, уларнинг важлари танқидий баҳоланиб, ишончга сазовор бўлмаган кўрсатувлар сифатида рад этилади.

Қайд этилган асосларга кўра, кассация инстанцияси ҳукмининг Э.Қ ва У.Уга оид қисмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, суд ҳукмининг Э.Қ ва У.Уга оид қисмини ўзгаришсиз, кассация шикоятларини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 509⁷, 509⁹, 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2024 йил 26 августдаги ҳукмининг Э.Қ ва У.Уга оид қисми ўзгаришсиз, кассация шикоятлари эса қаноатлантирмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	имзо	Д.Мадаминов
Ҳайъат судьялари:	имзо	Б.Бабамирзаева
	имзо	А.Инамов
Ажрим нусхаси аслига тўғри вилоят судининг судьяси		Д.Мадаминов

